

БҮЮК МУҲАДДИС - АБДУЛКАРИМ САМЪОНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Юсупов Халилуллоҳ Саъди ўғли

Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада муҳаддис, тарихчи ва насабшунос Абдулкарим Самъонийнинг ҳаёти ва ижоди, устоз ва шогирдлари ҳамда ёзган асарлари ёритилади.

Калит Сўзлар: муҳаддис, тарихчи, насабшунос, қози, муфтий, самъонийлар, ҳадис.

КИРИШ

Муҳаддис, тарихчи ва адабиётшунос Абу Саъд Абдулкарим Самъоний 506/1113 йил шаъбон ойининг 21 куни Хуросоннинг Марв шаҳрида фазилат ва илм аҳли бўлган оилада таваллуд топди. Унинг тўлиқ исми Абу Саъд Абдулкарим ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Музаффар Мансур ибн Абдуллоҳ Тамимий Самъоний Марвазийдир. Тамим қабиласининг бир тармоғи ҳисобланган Самъонийлардан бўлганлари учун унга “Самъоний” нисбати берилган.

Самъоний “Муҳаддиси Хуросон” (Хуросон муҳаддиси), “Тоҷул ислом” (Исломнинг тожи)²⁹, “Қивамуд дин” (Диннинг ғамхўри) каби номлар билан улуғланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абдулкарим Самъонийнинг аждодлари бутун ислом оламида машҳур муҳаддис, қози, муфтий, фақиҳлар бўлишган. Масалан, унинг бобоси **Абулмузаффар Мансур ибн Муҳаммад Самъоний Марвазий (1035-1096 й.)** муфассир, муҳаддис, фақиҳ, муфтий, фаҳру-д-дин (диннинг ифтихори), қози, адиб бўлган. У узоқ йиллар Хуросон, Ироқ ва Ҳижоз шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилган ва бир муддат Мовароуннаҳрда истиқомат қилиб, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв олимларидан таҳсил олган. “Алжомийу-с-саҳиҳ – Саҳиҳи Бухорий”, “Сунан Термизий”, “Сунан Абу Довуд” ҳадис тўпламларини ёд билган. Саёҳати давомида 100 дан ортиқ энг йирик муҳаддислардан 1000 та энг сара ҳадисларни тўплаган. Фикҳ, ҳадис, тилшуносликка оид 10 та асар ёзган.

Абдулкарим Самъонийнинг отаси уни уч ёшлигида илм ўрганиш учун Нишобурга олиб борди. “Ал-Ансоб” китобида ёшилишича, бир йилдан кейин унинг отаси вафот этади ва Самъонийни амакиси тарбиялаб вояга етказди.

Унинг амакиси Абу Муҳаммад Ҳасан бин Абулмузаффар Самъоний муҳаддис, зоҳид, олим эди. Самъоний Маъмар бин Рошиднинг “Ал-Жомеъ” китоби, Аҳмад бин

²⁹ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сийар аъломун нубало. 20-жуз. – Байрут: “Муассасатур рисола”, 1982. – Б.456.

Сайёрнинг “Тарих” китоби ва Абу Закарийё Музакийнинг “Амолий” китобини ўз амакиси олдида ўрганди. Кичик амакиси Абулқосим Аҳмад бин Мансур Самъонийдан ҳадис ва фикҳ илмини ўрганди. Айтишларича, Самъонийнинг опаси ҳам фозила аёл эди ва Абу Голиб Муҳаммад бин Ҳасан Боққиллоний Бағдодийдан ҳадисни нақл этиш ижозасини олганди.

Абдулкарим Самъоний Марвдаги машҳур олимлардан сабоқ олган. Дастлабки саёҳатини амакиси Аҳмад ибн Мансур Самъоний билан бирга, Нишопурга қилган. Сўнгра Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ, Хижоз, Сурия ва Табаристон шаҳарлари бўйлаб узоқ сафарда бўлган. 8 йил Бағдодда яшаган, у ердан 2 марта Маккага ҳаж қилган. У Рай, Ҳамадон, Дамашқ, Куфа, Басра, Тус, Қуддусда бўлган. Саёҳати давомида олимлар билан учрашиб, улардан сабоқ олган, ўз асари учун манбалар тўплаган. 1143-1144 йилларда Марвга қайтиб, “Амидия” мадрасасида ҳадис, тасниф, тадрис (ўқитиш усули), ваъз (нотиклик) илмларидан дарс берган. Кейинги йилларда ўғли Абдурахмон билан Ўрта Осиё шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилган.

Устозлари:

Абдулкарим Самъоний сафарлари давомида кўплаб устозлардан таҳсил олган. Ибн Нажжор: “Мен Абу Саъднинг етти минг устозлари зикр этилганини эшитдим”, деб айтади³⁰.

Абдулкарим Самъоний Нишопурда АбуАбдуллоҳ Фаровий, Зоҳир Шаҳомий, Исфаҳонда Ҳусайн ибн Абдулмалик Халлол, Саъид ибн Абу Ражо; Бағдодда Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулбоқий Ансорий; Куфада Умар ибн Иброҳим Алавийдан, шунингдек, *Иброҳим ибн Муҳаммад Қотийбий, Абул Аъло Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Фазл, Осим ибн Муҳаммад ибн Фоним ал-Ҳофиз Абул Маолий, Абдуллоҳ ибн Тоҳир ибн Форислардан ҳамда* Бухоро, Самарқанд ва Балхда минглаб олимлардан илм ўрганган.

У Дамашққа келиб, у ерда Абул Фатҳ Насруллоҳ ибн Муҳаммад Миссий, Қози Абул Маолий Муҳаммад ибн Яҳё Қураший ва бошқалардан ҳадис эшитган³¹.

У Абу Рашод Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қосим Ахсикатий (406/1067-535/1140 й.), Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Баладий Насафий (ваф. 1111 й.) дан ҳам таълим олган.

Абдулкарим Самъоний самарқандлик буюк муҳаддислардан ҳадис ривоят қилганлигини ҳам келтириб ўтган. Хусусан, у Абулқосим Исмоил ибн Аҳмад Самарқандий(1062-1142 й.)дан ҳадис ривоят қилган. Самъоний айтади: “У кишига катта-кичик китобларни ўқиб бердим. Ҳамадонда Абулаъло Аттордан эшитдим. У киши: “Мен Ироқ ва Хуросон шайхларидан ҳеч кимни Абулқосим ибн Аҳмад Самарқандийга тенг деб билмайман”, дедилар”.

³⁰ Ўша асар. – Б.462.

³¹ Ўша асар. – Б.457.

Самъонийнинг устодларидан бошқа бири Аби Шужоъ Умар бин Абулҳасан Бастомий уни “Ал -Ансоб” китобини ёзиш учун ташвиқ ва тарғиб этган.

Шогирдлари:

Абдулкарим Самъоний илм талабида умри давомида кўп жойларга сафар қилди. Сафарлари давомида минглаб шогирдларга илм ўргатди. Айниқса, туғилиб ўсган ватани Марвга қайтганидан сўнг “Амидийя” мадрасасида талабаларга таълим бера бошлади. Ушбу мадрасада таълим бериши унинг жуда кўп шогирдларни тарбиялаганлига далолат қилади.

Самъонийдан баъзи устозлари ҳам ҳадис ривоят қилишган. Бу унинг нақадар юксак илм эгаси эканлигини билдиради. Бу ҳақда Заҳабий “Сияр аълумун нубало” асарида келтириб ўтган.

Субкий айтади: “Ундан кўплаб устозлари ва замондошлари ҳадис эшитган”.

Замондошларидан ундан ривоят қилганлардан бири Ҳофиз ибн Асоқирдир. У ўзининг “Тарихи Димашқ” асарида қуйидагича келтиради: “У мени кироатимни эшитди ва мен уни кироъатини эшитдим. У мендан ёзиб олди ва мен ҳам ундан ёзиб олдим”.³²

Унинг шогирдларидан баъзилари қуйидагилар:

–Унинг ўғли шайх, имом, аллома, муфтий, муҳаддис, фахру дин Абул Музаффар Абдурахим ибн Абу Саъд Абдулкарим Самъоний;

–Абу Зайд Муҳаммад;

–*Абу Равҳ Абдул Муиз ибн Муҳаммад Ҳаравий;*

–*Абдулваҳҳоб ибн Сукайна;*

–*Қосим ибн Асоқир;*

–*Абдулазиз ибн Манийна;*

–*Юсуф ибн Муборак Хаффоф;*

–*Абу Ҳошим Абдул Мунталаб ибн Фазл ибн Абдул Мунталаб Ҳалабий;*

–*Абулфатҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад Соний ва бошқалар.*

Абдулкарим Самъоний ўз даврининг етук фақиҳ, муҳаддис, тарихчи, адабиётшунос олимларидан бири бўлган. Кўплаб олимлар буни эътироф этиб, у ҳақида ўз фикларини айтиб ўтишган.

Имом Заҳабий у ҳақида: “У имом, катта ҳофиз, Хуросоннинг ягона ишончли муҳаддисидир”, – дейди³³.

Имом Субкий: “У машриқнинг муҳаддиси, қизиқарли ва фойдали китоблар соҳиби, раҳбар ва аслзодадир”, – деб айтади³⁴.

³² Ибн Асоқир. “Тарихи Димашқ”. 10-жуз. – Байрут: “Дорул фикр”, 1995. – Б. 218.

³³ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сийар аълумун нубало. 20-жуз. – Байрут: “Муассасатур рисола”, 1982. – Б.456.

³⁴ Тожиддин Субкий. Табақотуш шофиъийятул кубро. 7-жуз. – Байрут: “Дорул кутубил илмийя”, 1964. – Б.180.

Тарихчи Ҳофиз ибн Касир айтади: “У шофезий фақиҳ, хофиз, муҳаддис, кивомуд дин, мусанниф имомлардан биридир. У кўп сафар қилди ва кўп (ҳадис, ривоятлар) эшитди”.³⁵

Абдулкарим Самъоний фикҳ, ҳадис, араб тили тилшунослиги, грамматикаси, адабиётига доир 50дан зиёд асар ёзган. Улар қуйидагилар:

“Аз-зайл”, “Тарихи Марв”, “Тирозу-з-заҳаб фи адаби-т-толиб”, “Ал-исфоръанил асфор”, “Адабул имло вал истимло”, “Ат-тазкира ва табсира”, “Муъжамул булдон”, “Муъжамуш шуоҳ”, “Тухфатул мусофир”, “Ат-туҳаф вал ҳидоя”, “Иззатул узлат”, “Ал-адаб фий истиъмоллил ҳасаб”, “Ал-маносик”, “Ад-даъватул кабира”, “Ад-даъваатул марвийяъан ҳазротун Набавийя”, “Ал-ҳассуъала ғослил яди”, “Афанийнул басатийн”, “Духулул ҳаммам”, “Фазоили солати тасбиҳ”, “Ат-тахбир фил муъжамил кабир”, “Ал-ансоб”, “Ал-амолий”, “Солати субҳ”, “Ал-масоват вал мусофаҳат”, “Мақомул уламо байна ядайял умаро”, “Лафтатул муштоқ ила саакинил Ироқ”, “Салватул аҳбоб ва раҳматул асҳоб”, “Ан-нузуъ илал автон”, “Совмул айёмил бияз”, “Тухфатул ийдайн”, “Ат-таҳаъ вал ҳидая”, “Ар-расоил вал васоил”, “Фазоилуд дийк”, “Китобул ҳаловат”, “Фазоили ҳирра”, “Ал-ҳарийса”, “Тарихул вафот лил мутааххирин мин ар-руват”, “Бухор бахурил Бухорий”, “Тақдимул жифон илаз зийфон”, “Ас-сидқ фис-садоқат”, “Ар-рибҳ вал хасорат фил касб ват тижорат”, “Ал-иртиябъан китабатил куттаб”, “Ҳассул имомъала таҳфифис солат маъал итмом”, “Фартул ғаром ила саакини-ш-Шом”, “Аш-шадду валъадду лиман иктана би Аби Саъд”, “Фазоили сураи Ёсин”, “Фазоилу Шом”.³⁶

Манбаларда яна унинг “Қоваатиъул адилла фий усулул фикҳ”³⁷, “Ад-даъвату-н-набавийя”, “Адабу-л-қозий”³⁸, “Ат-Тазкира ва-т-табсира”³⁹, “Адабу-л-қофий”⁴⁰, каби асарлари ҳам келтирилган.

Абдулкарим Самъоний 562/1167 йил рабиъу-л-аввал ойида Марвда вафот этди ва ўша ерга дафн тилди.⁴¹

ХУЛОСА

XII аср Хуросон илмий муҳитига Абдулкарим Самъоний ўзининг қимматли асарлари билан улкан ҳисса қўшган. Хусусан, олимнинг “Адабу-л-имло ва-л-истимло” асари таълим-табия, илм-маърифат юксак даражада эканлиги билдиради.

³⁵ Ибн Касир. Ал-бидоя ван-ниҳоя. 12-жуз. – Қоҳира: “Дорул ҳижр”, 1998. – Б.175.

³⁶ Тожиддин Субкий. Табақотуш шофиъийятул кубро. 7-жуз. – Байрут: “Дорул кутубил илмийя”, 1964. – Б.182-184.

³⁷ https://ar.wikipedia.org/wiki/أبو_سعد_السمعاني

³⁸ Абдуллоҳ Абдулхамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – Б.218.

³⁹ Ўша асар. – Б.218.

⁴⁰ Ўша асар. – Б.218.

⁴¹ Ибн Касир. Ал-бидоя ван-ниҳоя. 12-жуз. – Қоҳира: “Дорул ҳижр”, 1998. – Б.175.

1. Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сийар аъломун нубало. 20-жуз. – Байрут: “Муассасатур рисола”, 1982.
2. Тожиддин Субкий. Табақотуш шофиъийятул кубро. 7-жуз. – Байрут: “Дорул кутубил илмийя”, 1964.
3. Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси. Самарқанд -2016. – Б.41.
4. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007.
5. Абдулкарим ас-Самъоний. Ал-Ансоб. Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов таржимаси. – Тошкен, 2017.
6. **Ибн Салоҳ. Улум ал-ҳадис. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1984.**
7. Д.Раҳимжонов, Д.Муратов. Ҳадисшунослик фанидан маърузалар матни. – Тошкент, 2010 йил.
8. Абдулкарим Самъоний. Адабул имло вал истимло. Аҳмад Муҳаммад Абдурраҳмон Муҳаммад Маҳмуд тадқиқи. 1-жуз. – Жидда: “Матбаатул Маҳмудийя”, 1993 йил.
9. https://ar.wikipedia.org/wiki/أبو_سعد_السمعاني
10. <https://www.ahlalhdeth.com>
11. <https://www.alukah.net>
12. <https://www.goodreads.com>
13. <https://waqfeya.com>
14. <http://islamdag.ru>
15. <http://sunna.e-minbar.com>